

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgz.uz • www.adolatgz.uz • www.adolat.uz • № 2 (1223) • 2019-yil 12-yanvar, shanba

## ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 11 январь куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 17-18 март кунлари вилоятга ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишган, туман ва шаҳарларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан вазифалар белгилаб берган эди.

Ўтган вақт мобайнида мазкур топшириқлар ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилди. Саноат, қишлоқ

хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишларида умумий қиймати 1 минг 142 та лойиҳа ишга туширилиб, 10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

2018 йилда Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш дастури доирасида саноат йўналишида жами 88 та лойиҳа амалга оширилиб, 1 триллион 322 миллиард сўмдан инвестициялар ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 58 миллион 267 минг долларни ташкил этди.

3-БЕТ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### Э.О.ТУРДИМОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ: **Эркинжон Окбутаевич Турдимов** Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2019 йил 11 январь

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

### Мамлакат тараққиёти ва фуқаролар манфаати

#### УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг фракцияси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этилди. Унда партия фракцияси раҳбари Наримон Умаров фракциянинг 2018 йилдаги фаолияти сарҳисоби ҳамда Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрь куни парламентга тақдим қилган Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишлар асосида фракция томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Кўламли ислохотлар амалга оширилди, бунда асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли манфаатларини амалда таъминлашга қаратилди. Айниқса, “Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган эзгу тамойиллар мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислохотларни ҳаётга таъбиқ этишнинг асосини ташкил қилди.

4-БЕТ

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг тарихий аҳамиятга эга Мурожаатномаси фракция фаолиятига замонавий ёндашув ва янги мазмун олиб кирди. Унда илгари сурилган вазифалар иж-

росини таъминлаш, электрорат ва аҳолининг кенг қатлами билан мулоқот қилиш депутатларининг устувор вазифалари этиб белгиланди. 2018 йилда жамиятимизнинг барча соҳаларида кенг

3-БЕТ

## Саволлар жавобсиз қолмоқда

5



14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## “Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мамлакатимизнинг 2019 йил ва ундан кейинги даврдаги ривожланиш, тараққиёт концепциясини белгилаб берди. Унда республикамиздаги барча соҳалар — ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий, илмий-техникавий ва бошқа жабҳаларда амалга оширилаётган ишлар, вазифалар аниқ кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, Мурожаатномада Президент мамлакатнинг янги Мудофаа доктринаси қабул қилинганлиги ва “Қуролли Кучлар таркибидagi барча қўшин турларининг тузилма ва вазифалари қайта кўриб чиқилганлиги, армия ва халқ бирлигини таъминлаш мақсадида барча

ҳудудларда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилганлигига” алоҳида эътибор қаратди. Айни пайтда, давлатимиз раҳбари келгусида мамлакатимиз мудофаа қобилиятини, армиямизнинг жанговар салоҳиятини ошириш, миллий мудофаа саноати комплексини шаклланти-

риш, ҳар қандай хавф-хатарга қарши доимонаш туриш лозимлигини, бунинг учун эса “Қуролли Кучларимизда жанговар руҳни юксалтириш, аскар ва офицерларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга эътиборни янада кучайтириш керак”лигини таъкидлади.

Бу ишларни амалга ошириш учун армиянинг ҳарбий қудратини юксалтириш билан бирга юрт ҳимоячилари қалбида миллий ўзликни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот иш-

рини кучайтириш, аждодларимизнинг бой меросидан баҳраманд бўлишни яхшилаш ҳаётини зарурат сифатида қайд этилди. Мурожаатномада “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг бебахо мероси, энгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига синдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”лиги асосий мақсад қилиб белгиланди. Бу жараёнда эса ёшларимизнинг Нажмиддин Кубро, Жалолiddин Мангуберди, Темур Ма-

лик, Маҳмуд Таробий, Амир Темур, Пахлавон Маҳмуд, Қурбонжон додхо каби халқимиз овозлиги учун курашган ва ҳаётини Ватан озодлиги йўлида бахш этган сиймолар меросидан баҳраманд бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Ана шу мақсадда газета-мизда Ватан ҳимоячилари куни олтидан ушбу санага бағишланган саҳифа ва улғ аждодимиз, машҳур саркарда, миллий қаҳрамон Жалолiddин Мангубердининг ҳарбий қудрати ҳақидаги мақолани эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик.

6-7-БЕТ

## МУНОСАБАТ

### Халқ фаровонлиги кўзланган дастур

Наримон УМАРОВ,  
Ўзбекистон “Адолат” СДП  
Сиёсий Кенгаши раиси,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
партия фракцияси раҳбари

Қачон давлат қудратли бўлади, қачонки, халқ фаровон бўлса, қачон халқ фаровон бўлади, қачонки, у кузатувчи эмас, ислохотларнинг иштирокчисига айланса. Кейинги йилларда мамлакат ҳаётида муҳим ҳисобланган масалалар, қонун, қарор, фармон, дастур лойиҳаларини халқимиз иштирокида муҳокама этиш ва қабул қилиш амалиёти жорий этилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси” портали, “Менинг фикрим” жамоавий мурожаатлар портали, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг расмий сайтларида мазкур масалалар юзасидан кенг жамоатчилик муҳокамалари ташкил этилганини бунга мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

3-БЕТ

## ГАЗЕТАДА ЧОП ЭТИЛМАДИ. АММО...

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситалари саҳифаларида чоп этилаётган ёки таҳририятлар томонидан тегишли ташкилотларга жўнатилаётган шикоят-аризаларга айрим раҳбарлар эътиборсизлик билан қараётгани ҳақида бот-бот материаллар эълон қилинмоқда.

### “Фарзандингиз қайта танловдан ўтади”

Жумладан, ўтган 2018 йилда “Adolat” газетаси саҳифаларида ҳам бир қатор танқидий мақолалар чоп этилди. Шунинг асосида билан қайд этиш жоизки, уларнинг аксарияти қисми айрим ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идоралар томонидан муносабатсиз қолдирилди. Ёки “мендан кетгунча, эгасига етгунча” қабилида номингагина битилган жавоблар олдик...

Нима ҳам дердик. Чўлпон ҳазратлари айтганларидек, “Ҳақ олинур, берилмайди!” Шундай экан, биз янги — 2019 йилда ҳам олдимизга қўйган мақсадимиздан асло қайтмаймиз. Шу мақсадда янги йилда янги — “Газетада чоп этилди. Аммо...”, “Газетада чоп этилмади. Аммо...” — рукнларини ташкил этдик. Бугун муштарийларимиз айни рукндаги икки чиқиш билан танишадилар.

Дарвоқе, биз барча идора-ю ташкилотлар, ҳокимликлар бирдек ОАВга ҳурматсизлик қилишмоқда, деган фикрда эмасмиз. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги каби ҳуқуқ-тартибот идоралари газетамизда чоп этилган ёки таҳририят томонидан уларга йўлланган фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида ва батафсил жавоб бериб келаётимиз.

Яна бир гап. Биз айримлар ўйлаётгандек кимнингдир ёни олиш ёки бирон-бир масалада қозилик қилиш фикридан мутлақо йироқмиз. Бизнинг мақсадимиз, мамлакатимиз шитоб билан ривожланаётган бугунги даврда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга хизмат қилиш. Қолаверса, эски, аммо

ҳамиша янгилашиб турадиган бир гап бор. **Газета — халқ минбари!** Шундай экан, биз нафақат аризаларнинг, балки мутасадди идоралар раҳбарларининг фикрларини ҳам чоп этиб боришга ҳамиша тайёрмиз. **Қуйида эълон қилинаётган Фуқаро Рисолат Шакаронинг таҳририятимизга йўллаган аризалари Ички ишлар вазирлиги Бош бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосари Т.С.Жумановнинг жавоб хати** фикримизнинг исботи бўла олади, деб ўйлаймиз.

Зеро, ҳақиқат баҳсларда бўй кўрсатишини ҳар биримиз, ҳар кунги, ҳар дақиқада эслаб туришимиз шарт. Бугунги даврнинг талаби ва асл моҳияти ҳам ана шунда янада яққолроқ намоён бўлади.

ТАҲРИРИЯТ

5-БЕТ

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

### Буюк келажакка қадам бугундан қўйилади

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон ўз умри давомидаги барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Бу ҳозирда илмий тадқиқотлар асосида исботланган фактни аждодларимизнинг минг йиллар аввал англаб етганлиги “Ёшликда ўрганган билим — тошга ўйилган нақш”, деган нақддан ҳам аёнлиқ. Дарҳақиқат, мактабгача ёшдаги болалар онг-шуурини синдирилган билим ва қўникмалар, маънавий кадрлар унинг келгусидаги камолотида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.



“Умаров Наримону Мадқоточу”

4-БЕТ

## Шаффофлик бор жойда коррупция бўлмайди

8













